

ISO/TS 16949 СТАНДАРТИ СПЕЦИФИКАЦИЯ ПУНКТЛАРИНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ

Тешабоев А.Э - Андижон машинасозлик институти ректори, т.ф.н.,
доц., Парпиев О.А.-т.ф.н., Сабиров У.К.-и.ф.н., Мирзалимов У.А.

ISO/TS 16949:2002 стандарти талабларига мос сифат менежмент тизимини яратиш жараёнида корхоналарга маслаҳатлар беришда қуйидаги манзарага гувоҳ бўламиз: ташкилотлар талабларни бажаришга киришиб кетиб, техник спецификация пунктларининг ўзаро боғлиқлигига эътибор қаратмайдилар. Техник спецификация айрим талаблар пунктларидан эмас, балким бир-бирини ёпиб, ўзаро боғлиқликда бўлувчи талаблардан ташкил топади.

Талабларнинг айрим пунктларини босқичма-босқич бажариш мумкин ва шарт: дастлаб битта пунктни бажариб, сўнгра бажариш натижаларини кейингисини бажаришда қўллаш керак (айрим бир талабнинг бажарилиши бошқасининг бажарилишига ёрдам беради). Техник спецификация талабларининг муайян бир пунктларини бажариш учун тегишли кўрсатмаларни бошқасидан топиш мумкин. Шунинг агар корхона, ISO/TS 16949 стандарти талабларини бажаришга уринаётган бўлса, айрим тавсия ва кузатувлар натижалари билан танишиб чиқиш, улардан ўз фаолиятида ҳамда сифат менежмент тизимини ҳужжатлаштиришда фойдаланиш мумкин.

- 5.1.1-“Жараёнлар самарадорлиги” пункти, юқори раҳбарият маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнлари ва ёрдамчи жараёнлар сермахсуллиги ҳамда самарадорлигини баҳолашни талаб этади. Жараёнларнинг самарадор эканлиги ва самарадор эмаслигини баҳолаш учун маълумотни, ёмон сифат учун сарфланган харажатни баҳолагандан кейин, топиш мумкин. Бу баҳолашни 5.6.1.1-“Сифат менежмент тизимининг фаолият кўрсатиши” пунктига мувофиқ амалга

ошириш талаб этилади. “Ёмон сифат” билан боғлиқ йўқотишлар қуйидаги: лойиҳалаш, харид қилиш, ишлаб чиқариш, назорат қилиш, жиҳозга техник хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш, метрологик таъминот, сақлаш, ташиш ва ҳ.к. жараёнлар нотўғри бажарилиши оқибатида рўй бериши мумкин. Фақат ёмон сифатга сарфланган харажатлар бўйича маълумотларни олиш ва уларни сабабларига кўра таснифлаб чиқиш ва баҳолаш ҳамда таҳлил қилиш учун қўллаш керак. Албатта, самарадорликни баҳолаш мана шунинг билан чекланмаслигини тушуниш керак.

- 6.3.2-“Кўзда тутилмаган ҳолатлар учун режалар” пункти, кўзда тутилмаган ҳолатлар рўй берганида, истеъмолчилар талабларини бажариш бўйича ҳаракатлар режаси тузилишини талаб қилади. Режалар йўқотишлар эҳтимоли таҳлили натижалари асосида тузилиши керак. Йўқотишлар эҳтимоли 7.2.2.2-“Маҳсулот тайёрлашни ташкил этиш имкониятлари” пунктига биноан истеъмолчиларнинг талабларини таҳлил қилишда баҳоланади. Агар йўқотишлар эҳтимоли катта бўлса, кўзда тутилмаган ҳолатлар режаси ҳам етарли даражада ҳажман катта бўлиши керак. Йўқотишлар эҳтимоли кичик бўлса режалар ҳам шунга лойиқ бўлади. Агар истеъмолчилар талабларини таҳлил қилиш жараёнида йўқотишлар эҳтимоли таркиби ва катталиги ўзгарса, режалар ҳам ўзгариши керак бўлади. Масалан, конвеернинг 1 минут туриб қолиши учун жарима санкциялари, ташкилот шу кунгача ишлаб келган корхоналарга қараганда бир неча баробар катта бўлган, янги истеъмолчи билан шартнома тузиш, мажбурий тарзда, шу пайтгача амалда бўлган кўзда тутилмаган ҳолатлар учун режаларнинг ўзгартирилишига олиб келиши керак.

- 7.5.2.1-“Маҳсулотни тайёрлаш ва хизмат кўрсатиш жараёнлари валидацияси” пункти ишлаб чиқариш жараёнларининг валидацияси учун жараёнлар сермаҳсуллиги мезонларидан қай бирини қўллаш мақсадга мувофиқлигини белгилаб беради. 7.3.2.2-“Тайёрлаш жараёнини

лойиҳалаш учун берилган маълумотлар” пунктида жараёни лойиҳалаш учун дастлабки маълумотлар сифатида “жараёнлар имконияти, унумдорлиги бўйича топшириқлар” белгиланишини талаб қилади. Унумдорликни ва жараённинг сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш қобилиятини текширмай туриб, жараённинг тўла валидацияси ва аудитини ўтказиб бўлмайди.

- 8.2.2.2-“Тайёрлаш жараёнининг аудити” пункти жараёнларнинг сермахсулликка ишонч ҳосил қилишни талаб этади. Жараён (маҳсулот) сермахсуллигини кўздан кечирмай ва бу маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини текширмай туриб, буни қандай амалга ошириши мумкин? Албатта, буни амалга оширишнинг иложи бўлмайди. Шунинг учун бу ҳаракатларни амалга ошириш орқали “Маҳсулот аудити” (8.2.2.3-пункт) амалга оширилган бўлади. Жараён аудитини маҳсулот аудити билан биргаликда амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бу бизнинг шахсий фикримиз. Ташкилотнинг ходими жараён ва маҳсулотни текширадиган фаолиятнинг қандай номланишини, мутлақо, қизиғи йўқ. У технологик интизомга риоя қилишни текшириш, ишлаб чиқувчи томонидан ўтказилган бевосита назорат деб ёки бошқа бир ном билан аталадими, бу муҳим эмас.

Агар бу фаолият қуйидаги: 8.2.2.2-“Тайёрлаш жараёнининг аудити”, 8.2.2.3-“Маҳсулот аудити”, 8.2.2.5-“Ички аудиторлар таснифи” пунктларга мувофиқ амалга оширилса тўғри бажарилган бўлади ва у ISO/TS 16949:2002 стандарти талабларига тўла мувофиқ фаолият ҳисобланади.

- 8.3.1-“Номувофиқ маҳсулотни бошқариш. Қўшимчалар” пункти шубҳали мақомга эга маҳсулот номувофиқ маҳсулот сифатида таснифланиши (ва мос равишда бошқарилиши) кераклигини талаб этади. 8.3.3-“Истеъмолчини хабардор қилиш” пункти истеъмолчилар, уларга номувофиқ (шунингдек, шубҳали мақомли) маҳсулот берилаётгани ҳақида хабардор қилинишлари керак. Маҳсулот сифатига

бўлган шубҳанинг пайдо бўлишига (маҳсулот назорати амалга ошириладиган) ўлчаш воситаларининг яроқсиз ҳолатга келиб қолиши сабаб бўлади (қаранг: 7.6-“Мониторинг ва ўлчашлар учун қурилмаларни бошқариш” пункти). Бу ҳолда, ташкилот зудлик билан истеъмолчини хабардор қилишни унутмаслиги керак. Ташкилот истеъмолчи билан биргаликда ўзлари учун бу вазиятдан энг кам йўқотишлар билан чиқиш ҳақида қарор қабул қилишлари керак.

- 7.4.1.1-“Меъёрий талабларга мувофиқлик” пункти харид қилинадиган материаллар ва бутловчи қисмлар қўлланилаётган меъёрий талабларга мос келиши зарурлигини белгилаб беради. Кўп ҳолларда, кириш назорати материаллар ва бутловчи қисмлардаги номувофиқликларни аниқлаши сир эмас. Агар бу вазиятда корхона учун мазкур материал ва бутловчи қисмлардан башқаси бўлмаса, унда нима қилиш керак? Тайёр маҳсулотда номувофиқликлар юзага келмайди деган умидда улардан ишлаб чиқаришда фойдаланса бўладими? Мумкин, бунинг учун 8.3.4-“Истеъмолчининг оғишларга бўлган рухсати” пунктининг талаблари бажарилиши: истеъмолчидан рухсат олиниши керак. Ташкилот томонидан сифатсиз маҳсулотлардан фойдаланиш натижасида истеъмолчи учун йўқотишлар эҳтимоли ортиб боради. Шунинг учун рухсат олиш талаб этилади.

- 6.3.2-“Кўзда тутилмаган ҳолатлар учун режалар” пункти асосий жиҳоз ишдан чиқиб қолган вазиятларда ҳам кўзда тутилмаган ҳолатлар рўй берганида, истеъмолчилар талабларини бажариш бўйича ҳаракатлар режаси тузиш зарурлигини тақозо қилади. 7.5.14 “Огоҳлантирувчи ва башорат қилувчи техник хизмат кўрсатиш” пункти эса жиҳозни таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш тизими “асосий технологик жиҳоз учун эҳтиёт қисмлари мавжудлиги”ни ўз ичига қамраб олиши зарурлигини белгилаб беради. Кўзда тутилмаган ҳолатлар учун ҳаракатлар режасининг ажралмас қисми асосий жиҳоз учун эҳтиёт қисмлар заҳирасини таъминлаш ва уни қўллаш ҳисобланади.

- 7.5.11-“Бошқарув режаси” пункти А иловани инobatга олган ҳолда бошқарув режаларини тузишни талаб этади. Унга мувофиқ, бошқарув режасида вазиятга кўра иш тутиш режасининг бўлиши назарда тутилади. 8.2.3.1-“Тайёрлаш жараёнлари мониторинги ва ўлчовлари” пункти билан танишиб чиққач, қуйидаги талабга эътиборни қаратиш мумкин. Унга кўра, барқарор бўлмаган тавсифномалар учун вазиятга кўра иш тутиш режаси маҳсулотни ажратиб қўйиш ва юз фоизлик назоратга ўтишини назарда тутди. Шунинг учун бошқарув режаларини тузишда, унда вазиятга кўра иш тутиш режасини кўрсатишни унутмаслик керак.